2024-yil 5-noyabr
seshanba

№132
(5040)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни электр энергетикаси соҳасини трансформация қилиш, ҳудудлардаги электр тармоқлари бошқарувига хусусий операторларни жалб қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев 4 ноябрь куни тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни «Рус тили бўйича халқаро ташкилотни таъсис этиш тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги қонунни имзолади.

МДҲ ҳомийлигидаги ушбу ташкилотни тузиш таклифи 2022 йил октябрь ойида Остонада ўтказилган МДҲ давлатлари раҳбарлари саммитида Қозоғистон президенти Қосим-Жўмарт Тўқаев томонидан билдирилганди. Таклифга асосан 2023 йил 13 октябрь куни Бишкекда ўтказилган МДҲ давлатлари раҳбарлари саммитида ташкилотни тузиш ҳақидаги шартнома имзоланди.

Шу кунга қадар шартномани Россия, Беларусь, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон ратификация қилган.

* * *

Марказий сайлов комиссиясининг (МСК) қарорига биноан, Олий Мажлис Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлислари 7-12 ноябрь кунлари ўтказилиши белгиланди.

* * *

«Маҳалла еттилиги» тавсияси асосида камбағалликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга ипотека кредитини ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарори қабул қилинди.

* * *

«Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасида ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

* * *

Тошкент шаҳрида иситиш мавсуми 7 ноябрдан бошланади. Бу ҳақда Тошкент шаҳри ҳокимлиги хабар қилди.

Ҳокимлик кўплаб мурожаатлар ва метеорология хизмати маълумотларига мувофиқ, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан 5 ноябрь соат 00:00 дан бошлаб иссиқлик манбаларидан иссиқлик муҳитининг айланма ҳаракати йўлга қўйилишини маълум қилган.

* * *

Президентнинг ЖСТ бўйича махсус вакили Азизбек Уруновнинг маълум қилишича, ташкилотга аъзо бўлиш бўйича АҚШ билан 14 ой давом этган икки томонлама музокаралар якунланган. АҚШ Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаган.

* * *

Ўзбекистонлик олимлар Фарғона водийси сув ҳавзаларида фан учун янги бўлган ялангбалиқ турини кашф этишди.

Янги тур ўзининг уруғдошларидан ён чизиғидаги поралари сони (84-86 та), ингичка дум банди, орқа ва анал сузгич қанотларининг пастлиги ҳамда кўзлараро масофасининг йириклиги билан фарқ қилади.



Фотоэтюд

Сайёҳлар ҳайрати. Самарқанд шаҳри.

«ISHONCH» мухбири Эъзоза УМУРЗОҚОВА сурат-лавҳаси.

Статистика

9 ойда 5,7 МИЛЛИОН САЙЁҲ

Статистика агентлиги 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистонга келган хорижлик сайёҳлар ҳақида маълумот берди.

Унга кўра, **2024** йилнинг **9** ойи давомида Ўзбекистонга жами **5,7** миллион нафар чет эл фуқаролари туристик мақсадларда келган.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда

825,8 минг
нафарга ёки
16,8
фоизга ошган.

Халқаро семинар

Касаба уюшмалари Федерациясининг Малака ошириш институтида «Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари саноат касаба уюшмаларининг тажриба алмашиши» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Саноат касаба уюшмалари тажриба алмашишди



Касаба уюшмалари Федерацияси, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (ACTRAV) ва IndustriALL Глобал иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, Туркия, Қозоғистон, Тожикистон делегациялари, тармоқ ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгашлари мутахассислари, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ва «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмалари кенгашлари, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Семинар асноси иштирокчилар IndustriALL Глобал иттифоқи, Туркия, Қозоғистон, Тожикистон давлатларининг турдош касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан таништирилди. Шу билан бирга, сўзга чиққанлар жамоа шартномаларидаги имтиёзлар, касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ҳамда ходимларга қулай меҳнат шароитлари яратишга доир масалаларга алоҳида тўхталишди.

Якунда ўзаро фикрлашиш, тажриба алмашиш, соҳага доир масалалар, муаммолар ҳақида батафсил суҳбатлашишга замин ҳозирлаб, уларни ҳал этиш йўллари белгилаб олинган семинар касаба уюшма фаоллари учун натижаларга бой бўлгани қайта-қайта эътироф этилди.

Шавкат ТОИРОВ,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Эътироф

swiftnewz.com сайти «ISHONCH» ҲАҚИДА

Саудия Арабистонининг нуфузли электрон нашрларидан бири – swiftnewz.com сайтида мазкур нашр бош директори Холид Ийод Жуъайднинг «Ishonch» газетаси таҳририятига ташрифи ҳамда жамоанинг ижодий фаолияти, эришаётган ютуқларига бағишланган мақола чоп этилди.

Мақолада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси муассислигида чоп этилаётган «Ishonch» газетаси ва «Ватан» журнали ҳақида сўз юритилган.

Хусусан, газетада ижтимоий муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилаётгани, мақолалар мавзу-мундарижасини танлашда ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари, талаб ва таклифлари инобатга олиниши, шунингдек, таҳририят жамоасининг тараққиёт билан ҳамнафас бўлишга интилаётгани натижасида электрон нашр фаолияти ҳам йўлга қўйилгани эътироф этилган.

«Ishonch»



Касаба уюшмаси кубоги

ЭНЕРГЕТИКЛАР БАҲСИ

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этиладиган тадбирлар аллақачон бошланиб кетди. Жумладан, Иссиқлик электр станциялари тизими корхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида «Касаба уюшмаси кубоги» спорт форуми, мини-футбол мусобақасининг республика босқичига старт берилди.



«Инсон қадри учун, эл-юрт бахти учун» шиори остида ташкил этилган мусобақаларда 32 ёшдан 60 ёшгача бўлган ходимлар иштирок этмоқда. Тадбирнинг очилиш маросимида «ИЭС» АЖ мутасаддилари сўзга чиқиб, барча иштирокчиларга омад тилашди.

Шундан сўнг қуръа ташлаш жараёнлари ташкил этилиб, жамоалар гуруҳларга бўлинди. Мусобақанинг илк куниданоқ барча энергетиклар ўз жамоаси номини ҳимоя қилиш мақсадида майдонда муросасиз курашишни бошладилар.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Crystal resort» дам олиш масканида ўтказилаётган спорт мусобақаларига ҳамоҳанг равишда маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Хусусан, «Пандемия» фильмининг намойиши ишчи-ходимлар ва тадбир иштирокчиларида ўзгача таассурот қолдирди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Фаолият

ИШБИЛАРМОНЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ишчи-ходимларни рози қилишга уларнинг ижтимоий-иқтисодий, меҳнат ва ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш орқали эришилади. Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмасининг Навоий вилояти бирлашган қўмитаси ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда, тизимли ишларни амалга оширмоқда.



Ўтган давр мобайнида тармоқ касаба уюшмасида тўрт марта Ижроия қўмита йиғилиши ўтказилди. Уларда меҳнат қонунчилиги талаблари бажарилиши, жамоатчилик назоратини талаблар даражасида йўлга қўйиш, барча ҳудудларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Жойлардаги 130 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотига кўмаклашилди. Шунингдек, тўққиз ой мобайнида 56 та нодавлат сектордаги корхона касаба уюшмасига жалб этилди. 27 та бошланғич ҳамда 29 та цех ташкилоти тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 2606 нафар ишчи-ходим аъзоликка қабул қилинди.

Табиийки, аъзоларнинг ижтимоий ҳимояси фаолиятимизнинг бош омили бўлмоғи лозим. Шу жиҳатдан қараганда, бу борадаги ишларимиз ҳам чакки эмас. Ҳозир 329 та юридик шахс мақомидаги корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномаси қабул қилинган бўлиб, улардаги 15000 нафардан зиёд аъзонинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатлари ушбу локал ҳужжат орқали ҳимоя қилинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 65 та корхонада ишчиларга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни совғалар билан тақдирлаш мақсадида 47 миллион 500 минг сўм, 48 та корхонада 74 нафар ходимга юбилей санаси муносабати билан 86 миллион сўм сарфланди. 128 та корхонада кам таъминланган ёш оилаларга 870 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишида ҳам салмоқли натижаларга эришяпмиз. Масалан, йил давомида вилоятимизнинг «Гидро Станко Сервис» МЧЖ, «Зарафшон Голден Гроуп» МЧЖ, вилоят «Иссиқлик манбаи» ДУК, «Бахт Текстил» МЧЖ, эркин иқтисодий зонада фаолият олиб бораётган «КОУНГ-ЦИЛИНДР» МЧЖ, «Полипропилен қувурлар» МЧЖ, «Навоий Ишонч Гиламлари» МЧЖ, «Ихлас Электрик» МЧЖ, шунингдек, вилоятдаги 9 та туман, шаҳар ободонлаштириш бошқармалари бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ўрганишлар олиб борилди. Натижада тегишли қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, бахтсиз ҳодисалар, касб касалликларининг олдини олиш бўйича белгиланган мажбурият ва вазифаларнинг бажарилиши юзасидан аниқланган камчиликлар иш берувчилар билан ҳамкорликда бартараф этилди.

Тоҳир ЮЛДАШЕВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Учрашув

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

Бухоро шаҳридаги «ВАРНЕТ» ботаника боғида «Раҳбар, тадбиркор ва ёшлар» учрашуви ташкил этилди. Унда Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси М.Олимов корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш ходимлар билан мулоқот қилди.

Учрашувда ёшлар ўртасида илм-маърифатни, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан эканлиги таъкидланиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Тадбир доирасида ёшларнинг мантиқий билимларини ошириш, иқтидорини намоён этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.

Достонбек ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

* * *

Танлов

ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИЛАР

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Республика кенгаши, Касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши, вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси, Маънавият ва маърифат марказининг вилоят бўлими ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Унга кўра, томонлар жисмоний ва интеллектуал салоҳиятли ёшларнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш мақсадида «Янги Ўзбекистоннинг ёш тарғиботчиси» вилоят танловини эълон қилди.

Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчилари ўртасида уч босқичда – мактаблар кесимида, шаҳар, туманлар ва вилоят миқёсида ўтказилган танловда дастлаб 16 995 нафар ўқувчи қатнашиб, вилоят босқичига ҳар бир ҳудуддан бир нафардан иштирокчи етиб келди.

Беллашувлар жараёнида Бухоро шаҳридаги 45-мактаб ўқувчиси Сабина Муҳаммадова ўзининг ҳар томонлама салоҳиятли ва иқтидорли эканлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турди ва биринчи ўринга лойиқ кўрилди. 2-ўринни Когон шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Зулфия Равшанова, 3-ўринни Ромитан туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Моҳинур Бахтиёрова эгаллади.

Абира ИМОМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши мутахассиси



Касаба уюшмаси аралашгач...

ДИРЕКТОР ЎЗ ЛАВОЗИМИГА ТИКЛАНДИ

Қўқон шаҳридаги 20-мактаб директори лавозимида ишлаб келган О.Низометдинов билан тузилган меҳнат шартномаси Фарғона вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси тарафидан бир томонлама бекор қилинади. Бундан норизо бўлган О.Низометдинов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмак сўрайди.

Касаба уюшмалари аралашуви билан иш судга оширилди. Фуқаролик ишлари бўйича судда О.Низометдиновни ишга тиклаш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилмай, рад этилди. Фарғона вилояти фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилган апелляция ва кассация шикоятлари ҳам қаноатлантирилмади.

Лекин бу билан иш тўхтаб қолмади. О.Низометдиновни ишга тиклаш учун тафтиш шикояти берилди.

Ниҳоят, ходимнинг ҳуқуқлари тикланди. Фарғона вилояти судининг ҳал қилув қарорига асосан Фарғона вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг буйруғи ғайриқонуний, деб топилиб, бекор қилинди, О.Низометдинов ўз лавозимига ишга тикланди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

ҚОНУНГА БЎЙСУНМАСЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Ҳулкар Баҳодирова 2023 йил 1 августдан буён Фориш туманидаги ихтисослаштирилган мактабда маслаҳатчи вазифасида ишлаб келаётган эди. Аммо иш берувчининг 2024 йил 31 июлдаги буйруғи билан лавозимидан озод этилди.

Биз унинг касаба уюшмаларига йўллаган шикояти асосида ҳолатни назоратга олдик. Ўрганишларда ҳақиқат юзага чиқди, яъни раҳбар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида Меҳнат кодексининг айрим талабларига зид равишда иш тутгани аниқланди.

Дарвоқе, Ҳулкар Баҳодирова ишдан бўшатилган вақтда ҳомиладор бўлган. Тегишли қонунчиликка биноан, бу тоифадаги аёлларни ишдан бўшатиш мумкин эмас. Иш берувчи эса бунга парво ҳам қилмаган.

Низо юзасидан мактаб раҳбарига кўрсатма хати киритилди. Аммо у пинагини бузмади. Оқибатда иш судга оширилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво-ариза қаноатлантирилди: Ҳулкар Баҳодирова аввалги вазифасига тикланадиган, шунингдек, мажбуран бекор юрган кунлари учун мактаб раҳбариятидан унинг фойдасига 15 миллион 175 минг 580 сўм иш ҳақи ҳамда 7 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундириладиган бўлди.

Қисқаси, қонунга бўйсунмаслик директорга қимматга тушди.

Сардор МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори

Тадбир

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан «Учинчи Ренессанс сари» шиори остида кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун «Тахиатош» санаторийсида бошланғич касаба уюшмаси томонидан шоира, нуроний онахон Назлимхон Узакова билан учрашув уюштирилди.

Учрашувда шоиранинг нашрдан чиққан «Жаз симфониясы», «Бир тамшы шық» китоблари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Нуроний жамғармаси Тахиатош тумани бўлими мутахассиси Нодира Атиязова, республика Маънавият ва маърифат марказининг Тахиатош тумани бўлинмаси бош мутахассиси Турдигул Саидова ҳамда Ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Дилором Утемуратованинг иштироки тадбирга янада файз киритди. Дам олувчилар, шунингдек, ижодкор шеърларидан баҳраманд бўлиб, ижоди ва ҳаёт йўли билан яқиндан танишдилар. Касаба уюшмалари байрами доирасида мамлакат Президентининг 2021 йил 9 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, мазкур санаторийда дам олаётган бир гуруҳ нуронийлар Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейига ташриф буюриб, саёҳатчилар бу ердаги тарихий экспонатлар билан танишдилар. Шундан сўнг Хўжайли туманида жойлашган Миздаххон мажмуидаги Мазлумхон сулув мақбарасини ҳам зиёрат қилишди.

Байрамолди тадбирлари давом этмоқда.

Муслима АТАМУРАТОВА,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши бўлим мудири

Анжуман

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тизимдаги қўмиталар учун ўқув-семинар ташкил этди.

МУНОСИБ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

«Касаба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва уни амалиётда қўллаш тартиби» мавзусида ўтказилган йиғинда сўзга чиққанлар охирги йилларда касаба уюшмалари тизимида рўй берган ўзгаришлар хусусида сўз юритишди.

Тадбир асноси 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан соҳада шарафли ва намунали меҳнат қилиб келаётган бирлашган ва бошланғич касаба уюшма қўмита раислари ташкилотчининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Амир АҲМЕДОВ



Йиғилиш

ЁШ ЕТАКЧИЛАР САЙЛАНДИ

«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси ва Ёшлар иттифоқи Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкилотда ёшларга оид масалаларни самарали ҳал этиш юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда филиал ёшлар етакчиси ҳамда барча газ таъминоти бўлимларида ёшлар ишлари бўйича вакиллар сайланди.

– Билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қиламан, – дейди «Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиалининг кадрларни бошқариш бўлими мутахассиси, ёшлар етакчиси этиб сайланган Шоҳруҳ Хабибуллаев. – Шу билан бир қаторда, вилоятдаги 22 та туман-шаҳардаги бўлимлардан ҳам энг фаол бўлган вакиллар сайланди. Улар билан бугуннинг ўзидаёқ қандай иш юритиш, ҳудудлардаги ёшлар ўртасида кузатилаётган муаммо ва камчиликларни биргаликда бартараф этиш юзасидан келишиб олдик.

Йиғилишда, шунингдек, ёшлар сиёсатига оид бошқа масалалар тўғрисида ҳам фикрлар юритилди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Гўзал МАҲМАДАЛИЕВА,
«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма ташкилоти ходими

Жамоатчилик назорати

ЯХШИЯМКИ, КАСАБА УЮШМАСИ БОР!

Пахта йиғим-терим мавсумида баъзи иш берувчилар меҳнат қилган инсоннинг ҳақини вақтида беришга жиддий ёндашмаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Бу борада касаба уюшмаларига 325 нафар теримчидан мурожаат келиб тушгани фикримизни тасдиқлайди.

Касаба уюшмалари меҳнат инспекторларининг саъй-ҳаракатлари билан уларнинг 162 234 000 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Ширинхон УМАРАЛИЕВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Шахмат

ТАФАККУР БАҲСИ

Шахмат бўйича Андижон вилояти ҳокими кубоги мусобақасининг Касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмалари вилоят ташкилотларида саралаш босқичи ўтказилди.

Шахматни оммалаштириш ҳамда қизиқувчиларни қўллаб-қувватлаш асосий мақсад қилиб олинган бу мусобақада юз нафардан зиёд ходим иштирок этди. Қизғин кечган баҳсларда аёллар ўртасида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти бирлашган қўмитаси ҳисобчиси Озодагул Раҳимова, эркаклар ўртасида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ходими Икромжон Нўъмонов биринчи ўринларни эгаллашди.

– Шахмат фикрлаш доирасини кенгайтиради. Ҳамкасбларни ўзаро яқинлаштириб, ҳамфикрлик ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлайди. Бу эса кундалик фаолиятда жуда асқатади, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши Ижтимоий суғурта бўлими мутахассиси Бахтиёр Абдураҳмонов.

Мусобақа якунида ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Муҳаммадрасул ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари бошқармасининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ЎРТАНСА ҚЎЙМАС...

Мулоҳаза

ҚУРИГАН ДАРАХТНИ КЕСИШ МАШМАШАСИ

Бир куни Рашид дўсти Содиққа қўнғироқ қилиб, ундан ишлари ҳақида сўради.

– Сиз сўраманг, мен айтмай, – дея жавоб берди Содиқ.

– Нима гап? Тинчликми? – ҳайрон бўлди Рашид.

– Август ойи бошида боғимиздаги тут дарахти қуриб қолди, – деди Содиқ. – Ўрнига бошқасини экиш ниятида уни кесиб ташладим. Ҳамқишлоқларимдан кимдир ана шу жараённи суратга олиб, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг махсус ботига юборибди. Шунга кўра, туман экология бўлимининг бир гуруҳ ходимлари келиб, баённома тузишди. Мен дарахтни нима учун кесганим сабабини айтдим. Улар бундан олдин мутасаддиларга, ҳеч бўлмаганда, маҳалла раисига айтишим кераклигини тушунтиришди. Сўнгра Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддаси 1-қисмига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида, яъни 8,5 миллион сўмлик маъмурий жарима белгилашди. Бугун туман марказига бориб, уни тўладим. Аввалига ким ва нега бундай қилди, деб ўйладим. Кейин билсам, тегишли ташкилотга бундай ҳолатлар ҳақида хабар етказганлар чақмачақарлиги эвазига пул олишар экан...

ХАБАР БЕРГАНЛАР МУКОФОТЛАНАДИ

Дарвоқе, кейинги пайтларда қатор соҳалардаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида масъул идораларни хабардор қилган шахсларга жариманинг, яъни ундирилган маблағларнинг муайян қисми мукофот сифатида берилмоқда. Масалан, Президентимизнинг «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига биноан, дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ёки бошқа жойга кўчириб ўтказиш бўйича ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги фотосурат ва видеоёзувларни «Эконазорат» ахборот тизими орқали юборган ёки «102» тезкор қисқа рақами орқали хабар берган шахслар ҳар бир тасдиқланган ҳолат бўйича ҳуқуқбузардан ундирилган маблағлар ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараварига тенг миқдордаги пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Ёки ejarima.uz порталы орқали йўл ҳаракатига оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги видеоёзувларни жўнатган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи миқдорида *(ҳозир 18750 сўм)* пул мукофоти берилади.

Коррупцияга тааллуқли жиноятларнинг олдини олишда ҳам шундай тажриба қўлланилиб, «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги»ги низом тасдиқланди. Унинг иккинчи бобида қайд этилишича, коррупцияга дахлдор ҳуқуқбузарликлар хусусида Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига хабар берган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда мукофот пули тўланади.

Шу йил 5 июнда давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1 июлда эса «Йўллар ва йўл инфратузилмасининг яхши ҳолатда сақланишини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари қабул қилинди. Бу ҳужжатларга мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари фаолиятидаги манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича тегишли далилларни илова қилган ҳолда уларни аниқлашда, шунингдек, рухсатнома олмай туриб йўл объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширганлик ёки йўл объектининг аввалги ҳолатини тиклаш бўйича мажбуриятни бажармаслик ҳолати бўйича тегишли далилларни тақдим қилган ҳолда ҳуқуқбузарлик аниқланишига фаол ёрдамлашган шахсларга ундирилган жариманинг эллик фоизи миқдорида мукофот пули берилиши белгиланган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, бу каби тажрибалар амалда қандай натижа бермоқда? Марҳамат, жавобини ўқинг.

117 МИНГ 499 НАФАР ФУҚАРО ПУЛ МУКОФОТИ ОЛДИ

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2022 йил 12 майда «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилинган. У билан тасдиқланган низомга кўра, харидорларга нақд пул маблағлари ёки пластик карталар бўйича тўлов шаклига қараб нархлар сунъий равишда оширилгани ёки пасайтирилгани, тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтмасдан олиб борилгани, идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилгани ёки маркировка мавжуд эмаслиги, шунингдек, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидалари бузилиши аниқланган бошқа ҳолатлар тўғрисида солиқ органларини «Солиқ ҳамкор» махсус ахборот тизими орқали хабардор қилган жисмоний шахсларга жарима умумий суммасининг 20 фоизи миқдорида бир марталик пул мукофоти берилади.

Солиқ қўмитасининг Матбуот хизмати маълумотларига қараганда, 2022 йилда бу тизим орқали солиқ ҳуқуқбузарликларига доир 145 мингта мурожаат келиб тушган. Улар асосида 71 минг 957 та сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, 98 фоиз ҳолатда ҳуқуқбузарлик тасдиқланган. 63 минг 331 тадбиркорлик субъектининг материаллари ўрганилиб, хабар берган фуқароларга 52 минг 608 та ҳолат бўйича ундирилган жарима суммасининг 20 фоизи миқдорида, аниқроғи, 35,3 миллиард сўм мукофот тўланган.

Бултур 122 минг 99 та мурожаат бўйича 48 минг 668 та сайёр солиқ текшируви ўтказилган. Йил давомида ҳуқуқбузарлик ҳолатларидан хабар берган фуқаролар жами 37,9 миллиард сўм мукофот пули олишган.

Жорий йилнинг январь-июль ойларида «Солиқ ҳамкор» тизими орқали келиб тушган соҳага оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мурожаатлар 56 минг 768 тани ташкил этган. Шундан 51 минг 937 таси харид чеки бермаслик, 2 минг 705 таси тўловни пластик карта орқали қабул қилмаслик, 123 таси пластик карта учун харид суммасини ошириш, 2 минг 3 таси бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича бўлган. 29 минг 438 таси такрорий бўлгани ёки уларда тилга олинган тадбиркорлик субъектида текширувлар давом этаётгани боис кўриб чиқилмаган. Қолганлари асосида 18 минг 729 та сайёр солиқ текшируви ўтказилиб, 99,1 фоизи тасдиқланган. Улар ҳақида хабар берганларга эса 19 минг 323 та ҳолат бўйича 12,9 миллиард сўм тўланган.

Сирасини айтганда, ҳукумат қарори қабул қилингандан буён ўтган давр мобайнида 117 минг 499 нафар кишига 86,1 миллиард сўм мукофот пули берилган.

ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ НИМА ДЕЙИШАДИ?

Албатта, бу амалиёт қўлланиши натижасида қонунбузарликлар олдини олиш, давлат бюджетига катта миқдордаги маблағлар киритиш, таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, ҳамюртларимизнинг огоҳлиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мумкин. Аммо ҳамма уни қўллаб-қувватлаб, ижобий фикр билдиради дея олмаймиз.

Имомали ТЎЕВ,
«Шароит плюс» ногиронлар жамоат бирлашмаси нодавлат нотижорат ташкилоти юристи:

– Аслида қонунчиликка киритилаётган ҳар бир янгиликнинг, ўзгартирилган қонун ҳужжатларининг салбий ва ижобий томонлари бўлади. Шу боис меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишдан аввал улар «тарози»га қўйилади ва қай бири «палла»ни кўпроқ босса, шунга қараб ҳужжат тасдиқланади, аксинча бўлса, рад этилади.

2022 йил 12 майда тасдиқланган низомда, гарчи солиқ соҳасини ривожлантириш, пул мукофотини жорий этиш орқали эришиладиган эзгу мақсадлар кўзда тутилган бўлса-да, амалда бир қатор салбий жиҳатлар ҳам кузатилмоқда.

Ижобий томони ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ушбу низом, аввало, назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга, иккинчидан, аҳолининг солиққа доир ҳуқуқий онгини ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан талабчанлигини кучайтиришга, учинчидан, тадбиркорлар масъулиятини оширишга ва ҳар бир фуқарони бу масалага жиддий қарашга ундашга, тадбиркорлик субъектлари устидан нафақат солиқ органлари ходимларининг, балки жамоатчиликнинг назорати ҳам жадаллашишига, соҳадаги қонунбузарликлар камайишига хизмат қилади.

Унинг салбий оқибатлари ҳам маълум. Биринчидан, фуқаролар орасида атайин шундай ҳуқуқбузарлик содир этилишини истовчилар кўпаймоқда, айримлари эса уни сунъий равишда уюштиришга ҳаракат қилишмоқда. Иккинчидан, баъзи фуқаролар мукофот олиш илинжида ёлғон ва туҳмат аралаш маълумотлар билан солиқ органларига мурожаат этишмоқда, бу ортиқча текширувлар ва оворагарчиликларни келтириб чиқармоқда. Учинчидан, ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш гоҳида одамлараро муносабатлар ёмонлашишига ва шахсий адоватлар авж олишига сабаб бўлмоқда.

Дилшода СОЛИЕВА,
Ўзбекистон психологлар ассоциациясининг Самарқанд вилояти бўлими раҳбари:

– Биз баъзан хориж тажрибаси деган баҳонада халқимиз менталитетига тўғри келмайдиган чора-тадбирларни ўзимизда жорий этмоқчи бўламиз. Ҳолбуки, бирор ишни бошлашдан олдин уни ҳар томонлама ўрганиб, кейин амалиётда қўлламоқ даркор.

Ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар етказиш учун пул мукофоти берилишига келсак, бундай ишлар азалдан бор эди, фақат расмийлаштирилмаганди. Қолаверса, қонунларни менсимайдиган, солиқ тўлашдан қочадиган киши, барибир, ўз билганини қилаверади. Халқ таъбирича «сотқин»лар деб аталувчилар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолиш пайида бўлишади. Агар психологик жиҳатдан ёндашсак, улар аслида ўзига ишончи йўқ, ҳаётда ўрни бўлмаган кишилардир.

Мен ҳар бир мутахассис ўз ишининг устаси бўлиши ва оддий халқни бунақа ишларга чалғитмаслиги керак, деб ҳисоблайман.

Юқорида келтирилган далил-рақамлардан кўриниб турибдики, айрим қоидабузарликлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида тегишли ташкилотларга хабар берадиганлар йил сайин кўпаймоқда. Биз уларнинг аксарияти турли нохушликларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш мақсадида мурожаат қилганига ишонамиз. Бироқ ораларида бу ишга осон йўл билан мукофот пулига эга бўлиш илинжида ёки шахсий адовати туфайли қўл урган қўни-қўшнилар, ҳатто қариндош-уруғлар ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Энг ачинарлиси, вақт ўтиши билан бундай кимсалар феъл-атворида чақимчилик ва хиёнат қилиш каби иллатлар шаклланади. Улар шу йўл билан кўпроқ пул топиш мақсадида ўзи ишлайдиган катта-кичик ташкилот-корхона ва давлат сирларини, ошкор қилиниши мумкин бўлмаган маълумотларни ғаразгўй кишиларга етказиб, жамоасига, эл-юртига ва Ватанига хиёнат қилишдан ҳам тоймайдилар. Зеро, халқимиз «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» деган нақлни бежиз яратмаган. Бас, шундай экан, айни йўналишда замонавий амалиёт ва технологияларни ҳаётга татбиқ этиш, хабар етказувчиларга мукофот сифатида берилиши мумкин бўлган пуллар эвазига кузатув камералари ўрнатиш, айни чоғда, жазо чораларини кучайтириш лозим. Шу тариқа, Президентимиз таъкидлаганидек, «ҳалоллик вакцинаси» билан ўзимизни «эмласак», назорат – кучли, қонунбузилиш ҳолатлари – кам ва жамиятимиз тинч бўлади.

Фаридун ЙЎЛДОШЕВ,
журналист

Замин саховати



Куз келиши биланоқ Бахмал тумани ўзгача қиёфага киради. Жумладан, катта-кичик боғлардаги шиғил ҳосил солган дарахтлар шохлари ерга эгилиб, ҳудуд том маънода мевалар маконига айланади. Уларнинг мазасини айтмайсизми, мазасини... Айниқса, қизил, яшил ва сарғиш рангли олмалар шунақа тотлики, чайнаётганингизда ўзингизни бутунлай бошқача ҳис қиласиз.

Бахмал боғларининг тупроғи унумдор. Қолаверса, улардаги мевали дарахтлар деҳқонларнинг узоқ йиллик заҳматли меҳнатлари натижасида униб-ўсган ва бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган.

Бу туманда олма пишиқчилиги даври куз ойларига тўғри келади. Аксарият оилалар пишиб етилган ноз-неъматни йиғиштириб олиш учун ҳашар уюштиради. Бу фақат мева теришнинг эмас, балки одамлар ўртасидаги бирлик ва меҳрнинг ҳам ифодаси саналади. Бундан ташқари, айнан шу фаслда олмаларни сотиш орқали кўпчилик мўмайгина даромад орттиради.

Музбулоқ қишлоғида яшовчи, боғида тўрт юз тупдан ортиқ олма дарахти бор Алимардон Анорбоевнинг айтишича, бахмалликлар асосан олманинг «Кримсон», «Голден», «Беш юлдуз», «Жонатан» ва «Семеренко» каби навларини етиштиришади. Чунки улар туман иқлимига мос, мазаси яхши, узоқ сақлаш мумкин, қолаверса, бозори чаққон.

– Олма етиштиришдан келадиган даромадни рўзғоримиз кам-кўстини тўлдириш, фарзандларимиз қўшимча сабоқ олишлари, уларнинг контракт пулларини тўлаш учун, мухтасар қилиб айтганда, хайрли ишларга сарфлаймиз, – дейди суҳбатдошимиз. – Ҳар йили ўтказиладиган олма ярмаркаларида бошқа табиий маҳсулотлар, турли мевалар шарбатлари, мурабболари ҳам намойиш этилади. Бу маҳаллий аҳолининг савдоси юришиши учун хизмат қилади.

Бахмалда пишиб етилган олмаларга бошқа мамлакатларда ҳам талаб катталиги боис асосий қисми экспорт қилинади. Олма пишганда Бахмалга келиш унинг ширин мевасидан баҳраманд бўлиш билан бир қаторда, табиий бойликларини ўрганиш ва маҳаллий аҳолининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш учун ҳам ажойиб имкониятдир. Туманнинг олма боғларини, гўзал табиатини, меҳр-оқибатли одамларини кўрган, унинг тоза ҳавосидан мириқиб нафас олган киши бу ерга яна келишни хоҳлайди.

Дарвоқе, сиз ҳам олмалар пишганда Бахмалга келинг!

Машҳура ЖЎРАҚУЛОВА
«ISHONCH»

Муносабат

КРЕДИТ ДАРДГА ДАВОМИ ЁКИ БОШГА БАЛО?!..

Қишлоқда совуқ хабар тарқалди. Банкда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган, эндигина ўттиз ёшга кирган Миркомил ҳовлисидаги молхона шифтига ўзини осиб қўйибди. Айтишларича, у бир неча фуқаро номига кредит расмийлаштириб, уларни ўзлаштирган ва оз эмас-кўп эмас, салкам беш юз миллион сўмини онлайн қиморда ютқазиб қўйган экан.

Ҳа, ажабтовр замонда яшаяпмиз. Нимадир қилмоқчи бўлсангизу, пул тополмасангиз, бу асло муаммо эмас. Марҳамат, банкка мурожаат қилинг. Унда истаган йўналишдаги кредит бор. Уй ва машина, мебель ва жиҳозлар сотиб олиш, бизнесни йўлга қўйишдан ташқари даволаниш, дунё бўйлаб саёҳатга чиқиш, ҳатто тўй қилиш учун қарз беришяпти. Айтишади-ку, «Қарз кетади, хотин ёнга қолади» деб. Бироқ...

Афсус, кредит билан боғлиқ ҳолатларда ҳар доим ҳам хотин ёнга қолмаяпти. Баъзан аксинча бўляпти, хотин кетиб, отнинг калласидек қарз қоляпти. Чунки қарзга тикланган оиланинг пойдевори ҳам омонат бўларкан. Бошқа мақсадлар учун олинган кредитлар ҳам доимо кўнгилдагидек натижа бермаяпти. Шунга қарамай, юртдошларимизнинг ҳаммаси ҳам бундан тегишли хулоса чиқариб олмаяпти. Оқибатда аҳолининг кредитга қарамлик даражаси тобора ўсиб боряпти.

Маълумки, кўпчилик кредитни зарурат юзасидан олади. Аммо кейинги пайтларда ҳар бир харид ёки эҳтиёжнинг тўғридан-тўғри кредитга боғланиши ачинарли ҳол. Энг қизиғи, улар замирида ўринсиз ҳою-ҳавас, ортиқча ҳашаматга интилиш ҳолатлари ҳам болалаб кетяпти. Айтайлик, эскирган автомашинани янгисига алмаштириш, аввалги мебель ёки жиҳозларни замонавийлаштириш, қимматбаҳо кийимлар ва тақинчоқлар учун кредит олиш орқали кишиларда қарз берувчиларга молиявий қарамлик вужудга келяпти.

Ўз навбатида, замондошларимизнинг бу каби талаб орзулари кредиторларга жуда қўл келяпти. Бугун ижтимоий тармоқларда истаганингизча кредит таклиф этадиган реклама ва эълонлар қалашиб ётибди. Уларнинг шартлари эса кун сайин оддийлашиб боряпти. Айни пайтда биргина паспортингиз билан юз миллион сўмгача ҳеч қандай кафилсиз, кредит таъминотисиз маблағ ёки маҳсулотни қўлга киритишингиз мумкин. Бундай имконият нафақат банклар, балки қатор микромолия ташкилотлари, турли савдо дўконлари томонидан ҳам таклиф этилмоқдаки, уларнинг жозибаси ҳар қандай кишини ўзига тортиши табиий.

Энг қизиғи, бу янглиғ «қулайликлар»дан нафақат катталар, балки ҳали вояга етмаган болалар ва ўсмирлар ҳам фойдаланишяпти. Аниқроғи, яхшилаб суриштириб кўрсангиз, ҳозир мактаб партасида ўтирган айрим болажонлар қўлларидаги қимматбаҳо телефонлар ҳам айнан кредитга олинган бўлиб чиқади.

Энди рақамларга мурожаат қилайлик. Марказий банк маълумотларига кўра, бугун юртимиз аҳолисининг кредитлардан қарздорлиги 490 триллион сўмни ёки салкам 39 миллиард долларни ташкил этади. Агар мамлакатимиз аҳолиси 37 миллион эканлигини эътиборга олсак, банклардан қарздорлик киши бошига 1049 долларданга тўғри келади. Унга хусусий микромолия ташкилотлари, савдо ва хизмат кўрсатувчи дўконлар ҳиссасини қўшсангиз, бу қарздорлик камида икки баробарга кўпайиши мумкин. Сабаби, банклардан кредит олиш мураккаброқ, хусусий секторда эса жуда оддий ва осон.

Демак, бугун биз қулоғимизгача қарзга ботиб бўлдик ва кун сайин «кредит ўпқони»га янада чуқурроқ чўкиб боряпмиз. Негаки, катта фойдаларга олинган кредитни ўз вақтида қайтариш осон эмас. Биринчи кредитни ёпиш учун кейингиларини олаётган, шу тариқа қарзи янада кўпаяётганлар ҳам кўп учрайди. Баъзилари уни вақтида қайтарар. Бошқалари учун бу қийин муаммо бўлса, яна кимлардир уни атайин қайтармаслик йўлини танлайди. Жумладан, яқинда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари жиззахлик фуқарони қайнотасининг ертўласидан ушлаб чиқишди. У икки йил аввал банкдан зотли қорамоллар олиб келиш учун 2 миллиард 150 миллион сўм кредит олган, лекин амалда уни бошқа мақсадларга сарфлаб юборган экан.

Шунингдек, бугун сафимизда сохта бойлар кўпаймоқда. Улар ҳам айнан банкдан олинган маблағ ҳисобига ўзини кўз-кўз қилаётгани сир эмас. Бу ҳақда қўшни қишлоқлик оқсоқол шундай дейди:

– Маҳалла кўчасини асфальтлаш олдидан озроқ шағал тўкиш зарур бўлди. Шу масалада уч-тўрт оқсоқол қишлоғимиздаги янги бойлардан саналмиш Толибжонни йўқлаб бордик. Чунки унинг уч-тўртта енгил, иккита юк машинаси бўлиб, кунига «фалон пул» топишини эшитгандик. Мақсадимизни эшитгач, у бизга йиғлагудек бўлиб, қуйидагича жавоб қайтарди:

– Отахонлар, буларнинг ҳаммаси кредит ва лизингга олинган. Улар орқали топилган пулни банкка тўлаяпман. Устига-устак, ишчиларнинг ойлигидан катта қарзим бор. Аслида сизлар менга ёрдам беринглар!..

Халқимизда «Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин» деган ажойиб нақл бор. Лекин сўнгги вақтларда ўз муаммосини банклар орқали ҳал қилишни кўзлаган юртдошларимизнинг кўпчилиги «кредит ўпқони»га тушиб қолишмоқда. Таъбир жоиз бўлса, кредит дардга даво эмас, бошга битган бало бўлмоқда. Шундай экан, кредит олмоқчи бўлган юртдошларимиздан бу борада аввалбошданоқ кўп ва хўп ўйлаб иш тутишларни сўраб қоламиз.

Абдукарим ҚУВВАТОВ

Эълон

«ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона таъсисчиларининг такрорий умумий йиғилиши хусусида

«ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги хорижий корхона таъсисчиларининг такрорий умумий йиғилиши 2024 йил 14 декабрь куни соат 12:00 да жамият маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади. Рўйхатга олиш соат 11:00 да бошланади.

Йиғилишда жамият таъсисчисининг шахсан ўзи ёки вакили қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан иштирок этиши лозим.

Кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилган:

1. «ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги ХКнинг таъсисчиси Aydin Mehmetni жамиятдан суд тартибида чиқариш.

2. Aydin Mehmetнинг «ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги ХК устав фондидаги 749 897 000 сўмлик 14,1% улушини жамият томонидан олиш.

3. Aydin Mehmet томонидан «ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги ХК устав фондидаги 749 897 000 сўмлик 14,1% улуш учун тўланган 430 256 600 сўмни қайтариш.

4. «ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги ХКнинг устав фондини жамият таъсисчилари «KANIMED SAG'LIK GO'ZU'MLERI A.S» ва JEROEN GERHARDUS WILHELMUS JOZEFнинг жамиятга берилган пул маблағлари ҳамда мол-мулклари ҳисобига кўпайтириш.

5. Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 2024 йил 11 октябрь кунидаги 2-1002-2414/45344-сонли ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш.

6. «ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги ХКнинг таъсис шартномаси ва уставига ўзгартириш киритиш.

7. «ALLES SAG'LIK GROUP» МЧЖ шаклидаги ХКнинг таъсис шартномаси ва уставига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

МАЪМУРИЯТ

Шеробод ТРИБ томонидан 2018 йилда Хусанов Шухрат Хайдарович номига берилган AF0111994 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.

KO‘ZGU

2024-YIL 5-NOYABR
SESHANBA
№ 132 (5040)

Таассурот

Навоийни ром этган гўша

ёхуд Муқанна даврида ҳам мавжуд бўлган Катлос қишлоғида



Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридаги «Сабъаи Сайёр» достонида «Тоғ орасинда бордир бир Кишвар, Номини дерлар Китвар, Анда дурур бутхонаи олий» дея бир жой ҳақида таъриф берилади. Ушбу манзил Қашқадарё вилоятида ҳали ҳам мавжудлиги ҳақида хабар топиб, Китоб туманининг тоғли қишлоқлари сари отландик.

Тумандаги «Китоб сайёҳ» туристик корхонаси бошлиғи Аҳад Бердиев бир нечта ҳудуд тарихи билан боғлиқ китобларида ҳам бу ҳақда тўхталгани учун у кишидан борар жойимиз ҳақида маълумот олдик.

Ушбу манзил айни пайтда «Қўшчинор» зиёратгоҳи деб аталади. У Китоб туманининг олис тоғли «Обиканда» МФЙдаги Катлос қишлоғида жойлашган. Хуллас, «Қайдасан, Катлос, қайдасан, Навоийни ром этган гўша?», дея йўлга чиқдик.

Юртимизнинг табиати ўзига хос, гўзал. Бир томонида чексиздай туюлган ялангликлар ястаниб ётса, яна бир томони пурвиқор тоғларнинг унсиз ҳикматларидан сўйлайди. Воҳамизнинг Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб туманлари ҳам ўзининг мафтункор табиати, бой тарихи, ўтмиш сир-синоатлари билан кишини мафтун этади.

Туман марказидан 30 чақиримча йўл юриб, Катлос қишлоғига етиб бордик. Тоғлар бағрида жойлашган бу сўлим гўша худди дуога очилган қўлга ўхшайди. Қишлоқ ўртасидан дарё оқиб ўтади. Дарё бўйи қалин дарахтзор. Паст-баланд уйлар оралаб тоғ томонга, баландликка кўтарилдик. Тоққа яқинлашганимизда кўкка бўй чўзган чинорлар бизни қарши олди. Ҳар бир чинорнинг қалинлиги унинг қадимийлигидан дарак беради. Кийиксўқмоқ йўл бўйлаб аста одимлаб пештоқига «Қўшчинор зиёратгоҳи» деб ёзиб қўйилган темир панжара билан ўралган манзилга етдик. У ерда иккита баҳайбат чинорнинг илдизлари орасидан сув сизиб чиқади. Маҳаллий аҳоли бу булоқни Қўшчинор деб атайди ва зиёратгоҳнинг номи ҳам шундан олинган.

– Бу ерни қадимда Файлақус Ҳаким исмли киши манзил тутган. У ҳақда тарихий манбаларда деярли бирор маълумот қолмаган, – дейди Аҳад Бердиев. – Лекин тилдан тилга ўтиб келган гап-сўзларга таяниб айтсак, Файлақус Ҳаким VIII-IX асрларда яшаб ўтганини тахмин қилиш мумкин. У киши Китоб ҳақида китоб ёзган дейилса, айрим маълумотлар у китоб аслида туш таъбирлари ҳақида бўлганини билдиради.

Юқорида бир ғор бор. Ғор деворларидан тўрт фаслда ҳам сув томиб туради. Ичида кичиккина кўл ҳам мавжуд. Файлақус Ҳаким шу булоқ бошида яшаб, шу ғорга чиқиб, жон таслим қилгани ҳақида маҳаллий аҳоли орасида ривоятлар юради. Ўша пайтда булоқ бўлганини эътиборга олсак, унинг тарихи Муқанна даври ва ундан олдинроққа бориб тақалади.

Аҳад Бердиевнинг таъкидлашича, кейинчалик бу ерларни Шайх Ҳабибуллоҳ исмли киши макон тутади. У одам ўзининг одоби, художўйлиги, маданияти ва муомаласи билан Ислом тарбиясини амалда шахсий ҳаёти мисолида аҳолига ўрнак бўларли тарзда ўргатган. У киши Хўжагон Нақшбандия тариқатининг улуғ пирларидан ҳисобланади. Қабрлари булоқдан пастда жойлашгани тўғрисида маълумотлар бор.

– Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридаги «Сабъаи Сайёр» достонида «Тоғ орасинда бордир бир Кишвар, Номини дерлар Китвар, Анда дурур бутхонаи олий» дейилади, – дея изоҳларини давом эттиради Аҳад Бердиев. – «Ани етибон боши кўкка, Остинда дурур бир ғор, дейди, ўша ғор деворларига саросар кийиклар расми чизилган, шунда тунда тилак қилиб ётсангиз, келур икки андон дейди, андоннинг маъноси руҳ, суврати сизга қараб ниятларини сўрайди, дейди, ниятларингизни айтсангиз ва пастга тушиб шайхдан дуо олсангиз, албатта, ниятларингиз ижобат бўлади», деб ёзади. Алишер Навоий тилга олган шайх катта эҳтимол билан Шайх Ҳабибуллоҳ ҳазратларидир.

Маҳаллий аҳоли бу жойларни улуғ манзиллардан бири деб билади. Булоқлардан айни пайтда қувурлар орқали 5 та қишлоққа ичимлик сув тортилган. Булоқда минглаб балиқлар бамайлихотир сузиб юради. Аҳоли уларни истеъмол қилмайди. Айтишларича, бу ерда қачондан балиқлар пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди. Айримлар эса чинорларнинг қуюқ соясида қуёш нурларига тўйинмагани боис уларни истеъмолга яроқсиз деган фикрни билдиришади.

Катлос қишлоғининг ҳам ўзига хос ўрганилмаган тарихи бор. Кат сўзи қадим суғдий тилда қўрғон деган маънони беради. Диққат билан қарасангиз, қишлоқнинг тепа қисмида қадимий иншоотлар пойдевори қолдиқларига кўзингиз тушади. Қишлоқ кексалари эса бу ер қадимда шаҳар бўлганини, асли Катлос номи Кат Илёс, яъни Илёс шаҳридан қолганини, аммо Илёс исми қайси тарихий шахсга нисбат беришини билишмаслигини айтишди. Уларнинг таъкидлашича, бу маскан тарихда ўз карвонсаройлари, бозорларига эга обод манзиллардан бири бўлган. Аммо кейинчалик аҳолининг яшаш манзиллари кенгайиб, шаҳар тароватини йўқотган.

Қишлоқ оралаб зиёратгоҳга бориш йўллари озода сақланмагани, йўл ёқаларига турли чиқиндилар уюми чиқариб ташлангани ҳам дилимизни бироз хира қилди. Маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари аҳоли бошини қовуштириб, ҳудуд ободончилигига эътибор қаратишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Долзарб мавзу



ОИЛА ҚЎРҒОНИ ДАРЗ КЕТМАСИН!

Расмий маълумотларга кўра, охирги уч йилда мамлакатимизда 2 мингдан ортиқ киши ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Уларнинг 86 фоизи фарзандлари олдидаги мажбуриятларини бажармагани, қолганлари жигаргўшаларини ташлаб кетгани учун шунга лойиқ кўрилган. Айни чоғда, баъзи кимсалар ўз норасидаларига жисмоний ва руҳий тазйиқлар ўтказиши, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка берилгани, эр-хотин бир-бирининг соғлиғига қасддан шикаст етказиши, ҳаётига хавф туғдириши, ҳатто ўлдириши туфайли бегуноҳ болалар етим қолаётгани ҳам бор гап. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Масалан, Жомбой туманининг Нўш маҳалласида яшовчи бир оила аввалига фарзандсизлик доғини чекади. Кейинчалик бир неча болали бўлади. Шунинг баробарида эр-хотин ўртасида ўзаро низо юзага келиб, кунда-кунора ҳуда-беҳуда жанжаллашишлар авж олади. Охир-оқибат аёлнинг сабр косаси тўлади. У аразлаб ота уйи жойлашган Пайариқ туманидаги Қатағон қишлоғи сари отланади. Бундан баттар жаҳли чиққан эр ёш болалари кўз ўнгида аввалига хотинига пичоқ санчади, кейин эса ерда ётган тош билан унинг бошига хуморидан чиққунча уради. Оқибатда аёл жон беради.

Энди холисона айтинг-чи, бу воқеанинг гувоҳи бўлган, онаси ваҳшийларча калтаклаб ўлдирилганини ўз кўзи билан кўрган кичкинтойларнинг дарз кетган руҳиятини осонликча тиклаб бўладими?

– Менимча, жамиятимиздаги энг катта камчиликлардан бири инсон руҳияти билан ишлашга етарлича эътибор қаратилмаётганидир, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Шарқия Бакаева. – Акс ҳолда, биз ёшларимизни қайси йўналиш орқали оилага тайёрлаяпмиз? Уларнинг руҳиятини нечоғлик ўрганаяпмиз? Бу борада миллий қадриятларни бир четга суриб Овропача тарбияга ёпишиб олганимиз эса катта кулфат. Бугун гендер тенглик ҳақида кўп гапириб, мисол келтиришдан нарига ўтмаймиз. Унга дахлдор ташкилотларда ҳам қуруқ рақамбозлик. Бир йилда 15 мингга яқин низоли оила яраштирилди деб лоф урамиз, аммо шу даврда 50 мингта оила пароканда бўлганини айтмаймиз. Демоқчи бўлганим, оила ва никоҳ муқаддаслигини руҳан англамас эканмиз, эзгу мақсадларимиз тўлиқ амалга ошмай, қуруқ гаплигича қолиб кетаверади.

ОИЛАЛАР МЎРТЛАШЯПТИ

Бу гапга ишонмасангиз, қуйидаги далилларни ўзаро солиштиринг. 2012 йилда 17 минг 679 та оилавий ажрим қайд этилган. 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 49 мингдан 200 тадан ошган. Жорий йилнинг дастлабки ярмида эса салкам 23 мингтага етган. Бултур қайд этилган никоҳларнинг ҳар олтитадан биттаси бекор қилинган.

– Оилалардаги соғлом ижтимоий-руҳий муҳитнинг бузилиши сабаблари кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилмоқда, – дейди хотин-қизлар фаоли Маҳлиё Раззоқова. – Лекин ёшларимиз онгидаги руҳий муҳитни яхшилаш йўлида ишончли қадамлар ташлай олганимизча йўқ. Гўё бутун жамият курашяпти, самараси эса унчалик сезилмаяпти. Буни қарангки, дунёда энг кўп аҳоли яшайдиган Ҳиндистондек йирик давлатда жами ажримлар атиги 0,01 фоизни ташкил этар экан. Бизда эса бу кўрсаткич аллақачон 0,03 фоиздан ҳатлаб ўтган. Демак, оила бузилишларининг олдини олиш йўналишидаги ишларимизнинг натижадорлиги ҳаминқадар.

– Ажрашишлар ҳақида гап кетганда, қишлоқларда турмуш тарзи нисбатан оғирлиги, одамларнинг аксарияти иш билан таъминланмагани, айримлари ишлаш учун чет давлатларга кетгани сабаб қилиб кўрсатилади, – дейди маҳалла хотин-қизлари фаоли Мавлуда Абдиева. – Хўш, ҳамма шароитлар бадастир шаҳарларда-чи?.. Оилавий ҳаётга енгил қараш, арзимаган баҳона сабаб биргаликдаги турмушга нуқта қўйиш ҳеч гап эмас. Фарзандлар тақдири гўёки ҳеч кимга қизиқ эмасдек. Буларнинг бари ёшлар оила қуришга тайёр эмаслигига, эр-хотин бир-бирини тушунмаслигига, фарзандлари ва жамият олдидаги бурч-мажбуриятларини билмаслигига, никоҳнинг муқаддаслигини англамаслигига бориб тақалади.

БАРЧАМИЗ ЖАВОБГАР САНАЛГАН МУАММО

Сир эмас, сўнгги пайтларда эр-хотин турмуш қурганига 10-15 йил бўлган оилаларда ҳам ажрашишлар кўпайди. Буям етмагандай, бир-бирининг умрига зомин бўлишдан тап тортмайдиганлар пайдо бўла бошлади. Масалан, Бекободдаги битта маҳаллада беш ой ичида ўзаро жанжал оқибатида икки аёл ўз эрлари томонидан ўлдирилди. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳар-қишлоқларида ҳам шунга ўхшаш қотиллик, аёлларни калтаклаш, уларнинг ўз жонига қасд қилишлари билан боғлиқ ҳолатлар дам-бадам кузатилмоқда.

Оилавий низолар туфайли ҳар йили 10-12 мингдан ортиқ ўғилқиз ё ота, ёки она меҳридан жудо бўляпти. Ораларида ҳали дунёни англаб етмаган гўдаклар ҳам бор. Эҳтимол, уларнинг моддий эҳтиёжлари қопланаётгандир ва келгусида то вояга етгунларича шундай бўлар, аммо маънавий эҳтиёжлари-чи? Кўнгилларидаги руҳий жароҳатлар асоратлари-чи? Афсус, бу ҳақда аниқ гап айтиш қийин. Қандайлигидан қатъи назар, биз мурғаклигиданоқ ота-она меҳрини кўрмай, кўнгли ўксиб ўсган ва ўсаётган бу болалар олдида жавобгармиз.

РУҲИЯТДАГИ КЕМТИКЛИКНИ БУТЛАШ ИМКОНИ БОРМИ?

Буюк мутафаккир Мирзо Абдуқодир Бедил «Агар ғиштни қийшиқ қўйса меъмор, юлдузга етса ҳам қулар бу девор» дея бежиз айтмаган. Турмуши бузилган ёки нотинч оила соҳиблари руҳиятида катта бўшлиқ бўлади. Ана ўша руҳий кемтиклик кичик муаммоларни катталаштириб, беҳуда асаббузарликларга доялик қилади.

– Ҳар бир инсон ўз дунёқараши, руҳияти, кайфияти, ҳолати ва ҳиссиётига эга, – дейди психолог Фахриддин Жалолиддинов. – Катта ҳаёт остонасида турган ёшларимиз инсон руҳиятига боғлиқ билимларнинг ҳеч бўлмаганда 10 фоизини эгаллаши керак. Агар одам ўзининг кимлигини яхши англаса, ҳиссий-эмоционал ҳолатини назорат қила олса, мақсадларини тўғри белгилаб, уларга эришиш учун астойдил интилса, тушкунлик унга бегона бўлади.

Очиғини айтганда, фақат қонунларни қатъийлаштириш билан оилавий низолар ва ажримларнинг олдини олиш мушкул. Бундай шароитда инсонлар руҳияти билан ишлашни кучайтиришимиз ҳам ўта зарур. Чунки инсон онгида ижобий ўзгаришлар рўй бермаса, ажрашишлар камаймайди ва гўдакларнинг кўз ёшлари тинмайди...

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

Тарихнинг сирли саҳифалари

ВАШИНГТОН ГАПИРАДИ, БЕРЛИН ЭШИТАДИ

1943 йилнинг 29 июль куни тонгда немис генерали Йодлга вазирлик почтасидан муҳрланган мактуб келади. Унинг жилдида ўта махфийликни англатувчи «U» белгиси, ичида эса Рузвельт ва Черчиллнинг трансатлантика орқали ўтказган суҳбатининг ёзувли матни бор эди.

АҚШ президенти ва Англия бош вазири суҳбатлари ўта махфий ўтган. Унинг душман томонига етиб бориши хаёлга ҳам келмаган. Бунинг устига, мутахассислар суҳбатдошлар нима ҳақда гаплашаётганини яширадиган муҳим кодлар қўйилганига амин эдилар.

Қолаверса, Американинг «Белл телефон системс» фирмаси ҳар қандай суҳбатни тинглаш ва қайд этишнинг олдини олиш мақсадида ишчи тўлқинни майда диапазонларга бўлиб юборгани боис инсон товушининг тезлигини ўзгартиришга олиб келадиган махсус дастур ҳам ишлаб чиққан эди.

1939 йилнинг кузида ихтирога «А-3» номи берилади ва Рузвельтнинг абонентлар билан суҳбатлари ўтадиган радиотелефон кабелига улаб қўйилади. Бироз вақт ўтгач, янада такомиллаштирилади.

Бундан ташқари, суҳбат хавфсизлигини таъминлаш учун бошқа қатор чоралар ҳам кўрилади. Муҳандисларнинг алоҳида гуруҳи президентнинг шахсий халқаро алоқасига тажовузнинг олдини олишни мунтазам назорат қилиб турган. Масалан, электрон блок суҳбат давомида радиотўлқинни ўзгартириб берган.

Шундай қилиб, душманнинг махсус хизмати суҳбатни тинглашга киришгандан сўнг кўп ўтмай эфирда сокинлик ҳукм суради. Шунинг учун АҚШда ҳам, Англияда ҳам трансатлантика кабели орқали суҳбатлар мутлақо хавфсиз эканига ишонч бўлган.

Хўш, йирик давлатлар раҳбарларининг телефон суҳбатлари шу қадар кодлаштириб ташланган бўлса, у ҳолда немислар муваффақиятга қандай эришганлар?

Маълум бўлишича, 1939 йилнинг кузида немис разведкасининг америкалик агенти ўз раҳбарига Рузвельтнинг океанорти суҳбатларини ёзиб олиш имконини яратиб берадиган «скремблере» – махсус ускуна тўғрисида чоп этилган газета мақоласини юборади. Жиҳоз гўёки Оқ уйнинг подвалида жойлашгани айтилади.

Материал раҳбариятни қизиқтиргани аниқ. Унда нафақат суҳбатларни қайд этиш, балки бевосита кабелдан олинадиган юқори частотали сигнални ўрганишга қизиқиш ҳам ортади.

1941 йилнинг ёзига келиб, тадқиқотга киришилади. Почта хизмати билан бирга муҳандис Веттерлейн бошчилигидаги конструкторлар гуруҳи бу иш билан шуғулланади. Иш жадал кетади ва сентябрь ойига келиб, жиҳозни кодлаш ва декодлашнинг дастлабки намуналарини ўрганишга эришилади.

1942 йилнинг март ойига келиб, иш ниҳоясига етади ва Голландиянинг Эйндховен шаҳрида йирик махсус антенналар жойлаштирилган станция ишга туширилади. Ускуна шу даражада мукаммал эдики, қайд этилган суҳбатлар шу жойнинг ўзида матн ҳолига келтириларди. Товушни ёзиб олиш жараёнида кодлар алмашаётган йигирма сония ичида сўзларнинг бор-йўғи бир неча бўғинларигина эфирдан йўқолиб қоларди, холос.

Суҳбатни ёзиб олишдан бошлаб, то унинг мазмунини қоғозга туширгунга қадар Берлиндаги мутахассислар кўпи билан икки соат вақт сарфлар эдилар. Бу ўша даврда разведка хизматларининг махфий маълумотларни тезкор олишнинг энг мақбул усули эди.

Аброр ХОН

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Haydarov
Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:00
Topshirildi – 23:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 012 та
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6